# Буюк алломага юксак эҳтиром

***Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди***



Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Қадим Самарқандга жаҳоннинг қирққа яқин мамлакатидан, ЮНЕСКО, Ал-Бабтийн жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлардан меҳмонлар ташриф буюрди.

«Афросиёб» меҳмонхонасининг мажлислар залида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита раиси Ш. Мирмаҳмудов раислик қилди.

Муқаддас Қуръон тиловати билан бошланган анжуманда Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринбосари Х. Нуриллаев, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти ректори Н. Иброҳимов, Қувайтнинг «Ал-Бабтийн» жамғармаси раиси Абдулазиз Сауд ал-Бабтийн, Миснинг «Ал-Азҳар» университети ректори Аҳмад Умар Ҳошим ва бошқалар сўзга чиқди. Нотиқлар алломанинг ҳаёти ва фаолияти, у қолдирган улкан илмий меросининг аҳамияти ҳақида сўзлади. Имом ал-Бухорий 5 ёшдан бошлаб илм ўрганишга киришган, араб тили ва диний билимларни арабларнинг ўзидан ҳам мукаммалроқ ўзлаштирган. Ўз умри давомида у Ироқ, Шом, Ҳижоз, Нишопур, Балх ва бошқа ерларда бўлган ва тўғри, заиф ҳамда носаҳиҳ ҳадислардан 600 мингдан ортиғини ёд олган. Маълумки, ислом аввало Қуръонга, ундан кейин эса ҳадисга таянади. Аммо ҳадислар пайғамбар замонида ёзилмаган. Сабаби Оллоҳнинг элчиси уларнинг Қуръон билан аралашиб кетишидан хавфсираган. Ҳадислар тўплана бошланган кезлари муҳаддислар кўпайди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ўша даврда минглаб ҳадисшунослар етишиб чиққан. Бироқ, улардан олти нафаригина муҳаддислик оламида довруғ қозонган. Имом ал-Бухорий ана шулар ичида энг обрўли, ҳадислари энг ишончли бўлган муҳаддис эди.

Анжуман доирасида иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, илмий мулоқотларни давом эттирдилар. Шўъба мажлисларида «Имом ал-Бухорий замони», «Имом ал-Бухорийнинг ҳадисшунослик илмига қўшган ҳиссаси», «Имом ал-Бухорий илмий меросининг халқаро миқёсда ўрганилиши» каби мавзуларда маърузалар ўқилди, баҳс ва мунозаралар ўтказилди.

* * *

Самарқанд вилояти ҳокимлигида юбилейга ташриф буюрган Қувайт давлати вақф ва ислом ишлари вазири Аҳмад Холид Кулайб таклифига биноан, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси Исмоил Жўрабеков томонидан қувайтлик меҳмонлар қабул қилинди.

Учрашувда И. Жўрабеков меҳмонларга ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Хорижлик меҳмон Ўзбекистон раҳбариятининг миллий қадриятларни тиклаш, аждодлар меросини ўрганиш борасидаги ишларига юксак баҳо берди.

Учрашув ниҳоясида қувайтлик меҳмон ташкилий қўмита раисига Қувайт амири Жабр ал-Аҳмад ас-Сабоҳ томонидан Имом ал-Бухорий масжидига ҳадя этилган 500 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ чекини топширди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов буюк ҳадисшунос олим Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик юбилей тантаналарида иштирок этиш учун Самарқандга ташриф буюрди. Республикамиз раҳбарини Самарқанд аэропортида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита раиси И. Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А.Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Юртбошимиз Имом ал-Бухорий мажмуи жойлашган Челак туманидаги Ҳартанг қишлоғига йўл олди. Масжид мажмуи дарвозаси олдида муҳтарам меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, Самарқанд вилояти имом-хатиби Мустафо Маликзода, Челак тумани ҳокими Ш.Шукуров ва бошқалар қарши олди. Бу ердаги дарвоза пештоқига «Бу ёдгорлик мажмуи ислом оламида юксак обрў-эътибор қозонган улуғ ватандошимиз, ҳадис илмининг султони, буюк аллома Имом Исмоил ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий 1225 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз халқ усталарининг олтин қўллари билан барпо этилган» деган сўзлар араб ва лотин алифболарида зарҳал ҳарфлар билан битилган.

Масжид-мажмуа очилиши муносабати билан хайр-эҳсон оши берилди. Зиёратга келган мўмин-мусулмонлар жума намозини ўқиди.

Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуининг очилиш маросимини Самарқанд вилояти имом-хатиби М. Маликзода очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилди.

Республикамиз раҳбари ўз нутқида ҳадис илмининг султони, Ислом дунёсида беназир даҳо — Имом Исмоил ал-Бухорий юбилейи муносабати билан барпо этилган бу ёдгорлик оламшумул воқеа бўлганлигини таъкидлади. Келажакда эса бу макон ислом аҳли учун муқаддас қадамжо ва ғоят гўзал зиёратгоҳлардан бирига айланишига ишонч билдирди.

Шунингдек, тантанада Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий А. Баҳромов, самарқандлик наққош уста Сайидали Мирзаев, қўқонлик ўймакор уста Абдуғани Абдуллаев, Маккадан ташриф буюрган меҳмон Сафохон Жалолхонтўра, Қувайт вақф ва диний ишлар вазири Аҳмад Холид Кулайб ва бошқалар сўзга чиқди.

Тантанали маросим якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва бу ерга ташриф буюрган меҳмонлар Имом ал-Бухорий мақбараси мажмуини зиёрат қилишди.

Аллома қабри ёнида Қуръон тиловат қилинди. Зиёрат сўнгида Президент Ислом Каримов журналистларга интервью берди.

— Ҳар қандай инсон орзу-умид билан яшайди,— деди давлатимиз раҳбари.— Шу маънода ушбу мажмуани янгидан қуриш, алломанинг илмий меросини ўрганиш, унга ҳурмат бажо келтириш ҳам биз учун катта орзу эди. Ўйлайманки, мана шундай обод ва озод юртни кўрганда, нафақат катта ёшдаги кишилар, балки ёш авлод ҳам янги куч-қувват олади, ғурурланади. Бундай ажойиб ёдгорлик айнан шу замонда, мустақиллик шарофати туфайли бунёд этилганини англайди, теран ҳис этади. Ёш авлоднинг маънавий камол топишида шундай хайрли тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Бугунги тадбирнинг мен учун қувонарли жиҳати шундаки, биз умримиз, амалларимиз зое кетмаётганига амин бўлдик. Шундай ёруғ кунларга етказгани учун Аллоҳга шукрона айтамиз. Зеро, бу унинг иноъоми, марҳаматидир.

Умидим шуки, бу ерга ёшлар ҳам кўпроқ келсин. Одатда масжидларга қариялар келади. Бу ер фақатгина масжид эмас, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжо ҳамдир. Бу ерга келган инсонлар мажмуани барпо этиш, унга нафис жило беришда жон куйдириб меҳнат қилганларни, шундай ажойиб маскан қуришда жонбозлик кўрсатган ташаббускорларни бир бор ёд этиб, уларга таҳсин айтсалар ажаб эмас.

***

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентга жўнаб кетди. Самарқанд аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров кузатиб қолдилар.

*Анвар БОБОЕВ,*
*Ҳамза ШУКУРОВ,*
*ЎзА махсус мухбирлари*

***

**Суратларда: тантаналардан лавҳалар.**

*Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар*


***Ватанни севмак иймондандур!***

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 24 октябрь, шанба • № 127 (24.364).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


## Президент Ислом Каримовнинг Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Ассалому алайкум, азиз ватандошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун юртимиз ва халқимиз тарихида ўчмас из қолдирадиган муборак ва мунаввар кундир.

Бугун улуғ аждодимиз Имом ал-Бухорий ҳазратларининг руҳини шод этиш, бобокалонимиз таваллуд топган муқаддас заминда ул зоти шарифнинг хотирасини ёд этиш кунидир.

Ўйлайманки, бу ерда йиғилган жамоат, ал-Бухорийнинг мўътабар хокини зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлган мўмин-мусулмонлар, том маънода бахтиёрдирлар.

Азиз дўстлар!

Бу каби тантаналарни ўтказишдан кўзланган ният ва мақсадларимиз ҳақида, муқаддас қадамжоларни обод қилишимиз сабаблари тўғрисида икки оғиз сўз айтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, бу ишларни амалга ошириш замирида савоб деган олижаноб тушунча ётади. Савоб — улуғ инсоний фазилат, юксак исломий қадриятлардан биридир. Менинг комил ишончим шуки, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак.

Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир.

Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига албатта Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас қуръоний оятда таъкидланганидек, «Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир». Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга тараннум этсак, Яратганимизнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, бизга куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради.

Азиз юртдошларим!

Бир муҳим саволга жавоб излаб кўрайлик: Оллоҳ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради?

Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.

Юртнинг муқаддаслиги нима билан белгиланади?

Бутун умрини иймон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зотларнинг мўътабар хоклари макон топган заминигина муқаддасдир. Агар шундай инсонлар бўлмаса, улар даҳосининг нафаси сезилиб турмаса, ҳар қандай замин оддий тупроқ бўлиб қолаверади.

Қадрли дўстлар!

Нима учун биз келажагимизнинг ёруғ ва фаровон бўлишига қатъий ишонамиз?

Халқимизни, айниқса ўсиб келаётган навқирон авлодимизни нега айнан шу эътиқод асосида тарбия этмоқдамиз?

Бу мураккаб ва қалтис замонда йўлимизда оғир синов ва тўсиқлар дуч келганда, улар қаршисида чорасиз қолганда, мислсиз машаққатлар ҳолдан тойдирганда ҳам биз куч-қудратни қаердан оламиз?

Энг аввало Оллоҳ таолонинг бизга кўрсатаётган марҳаматидан оламиз.

Мана шундай вазиятларда бизга метин ирода, сабот-матонат, ғайрат ва жасорат бахш этадиган буюк ва чексиз яна бир манба бор.

Бу манба — улуғ аждодларимизнинг қонимизда жўш ураётган азму шижоатидир.

Бу манба — ал-Бухорийдек мумтоз боболаримиз даҳосининг ҳаётбахш қудратидир.

Бу манба — уларнинг бизга ҳамиша мададкор бўладиган ўлмас руҳи поклари-дир.

Ана шу ҳақиқат, ана шу эътиқод ватандошларимиз, азиз фарзандларимиз юрагига, онгу шуурига, тафаккурига тобора теран сингиб бормоқда.

Биз комил ишонч билан, Ўзбекистоннинг истиқлоли бақий, истиқболи буюк, дер эканмиз, мана шундай мустаҳкам асосларга таянамиз.

Муҳтарам жамоат!

Қадрли меҳмонлар!

Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни диниимиздан айиришга, унга хиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота-боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас-туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман.

Азиз биродарларим!

Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, букилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир.

Олти буюк муҳаддиснинг иккинчиси ҳисобланган Имом Муслимнинг ал-Бухорийга қарата: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуғ бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади.

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу меросниг гултожи — энг ишончли ҳадислар тўплами — «Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ» ислом динида Қуръони Каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана, ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

Яратганимизга шукурлар бўлсинки, озодлигимиз шарофати билан ал-Бухорийдек улуғ аждодларимиз эл-юрти бағрига қайтмоқда. Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр-оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда.

Муҳтарам биродарларим!

Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой ва бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаён-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўмин-мусулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжога айлантиришни ният қилган эдик.

Оллоҳнинг иноятн билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман.

Кейинги йилларда юртимизда қад ростлаётган муҳташам иморат ва иншоотларни бунёд қилишда миллий анъаналаримизга, меъморчилик санъатимизнинг ўзига хос ва ўзига мос услуб ва нақшу зийнатларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз кўркига кўрк қўшадиган бундай бетакрор ва кўркам биноларнинг ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, юрагида ғурур уйғотиши табиийдир.

Истиқлол даврида мана шундай лойиҳаларни тузиш ва амалга оширишда бош бўлиб турганимдан, шу олижаноб ишларга ҳисса қўшиш насиб этганидан кўпчилик қатори мен ҳам бениҳоя мамнунман. Айниқса, ал-Бухорий мажмуи лойиҳасининг ташаббускори бўлганимдан, унинг шу шаклда, шу мазмунда барпо этилишида ҳиссам борлигидан умрим борича фахрланиб юраман.

Бу Оллоҳ таоло олдида, аждодлар руҳи олдида, халқим олдида менинг инсоний бурчим эди.

Бу қутлуғ масканни бунёд этган усталаримизнинг меҳнати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Бу улуғвор мажмуа Самарқанду Бухоро, Хиваю Тошкент, Андижону Наманган, Шаҳрисабзу Қўқон ва Марғилон шаҳарларидан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган фидойи инсонлар меҳнатининг самарасидир.

Бир сўз билан айтганда, унинг бунёдкори бутун Ўзбекистондир.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу зиёратгоҳни обод қилишда жонбозлик кўрсатган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, моҳир меъморларимизга, шу улуғ обидага ғишт қўйган, нақшу жило билан унга сайқал берган ҳар бир ватандошимизга, улуғ бобомизга эҳтиром билдириб, узоқ-яқиндан юртимизга ташриф буюрган азиз меҳмонларга халқим номидан чексиз миннатдорлик изҳор этаман.

Муҳтарам жамоат!

Маълумки, Ислом динининг бош ғояси — бу «Ла илоҳа иллаллоҳу, Муҳаммадун расулуллоҳ» калимасидир. Мана шу иймон калимасини рўйи заминдаги ҳар бир мусулмон қалбига сингдиришда ал-Бухорий беқиёс жасорат кўрсатди. Шу сабабли ҳам ул ҳазратнинг муборак номи абадул-абад инсоният хотирасидан ўчмагай, иншоолоҳ.

Ушбу саодатли дамларда Имом ал-Бухорий бобомизнинг руҳи поклари шод бўлиб, қабрлари нури илоҳийга тўлган бўлсин!

Ул муборак зотнинг пойида дуогўй бўлиб турганларнинг, бутун халқимизнинг, жамики аҳли исломнинг хайрли ва савобли ишларида Раббимизнинг ўзи мададкор бўлсин!

## Фарғона: байрам арафасида

Гўзал Фарғона Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик тўйи шукуҳи билан яшамоқда. Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, майдонлари ва кўчаларида байрам. Асрий анъаналаримизга мувофиқ тўй олдидан хонадон тозаланди, янгиланди. Янги қурилишлар қилинди. Энг сара сўзана, палаклар илинди.

Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги истироҳат боғига кирган одам ҳайратдан «боғ эмас, мўъжиза бўлибди!» деб юборади. Бу маскан шу кунларда бутунлай янгича манзара кашф этган. Кўркам хиёбонлардан ўтиб, Мустақиллик майдонига чиққан кишининг кўз ўнгида буюк олимнинг саккиз метрли маҳобатли ҳайкали, ҳайкал ортида эса ярим ой шаклида Аҳмад ал-Фарғонийни ўраб турган пурвиқор устунлар намоён бўлади. Кўкка зилол сув пуркаётган фавворалар мажмуи кўзни қувнатади, ором бағишлайди.

— Юртбошимизнинг шу йил ёзда Фарғонага ташриф буюрган пайтларида Аҳмад ал-Фарғоний мажмуида бўлиб, бу ердаги ишлар билан танишгани ёдимизда. У киши буюк бобокалонимиз шарафига бунёд этилаётган мажмуанинг барча томонларини кўриб, биз илғай олмаган камчиликларни айтиб ўтдилар. Масалан, боғ атрофида кўримсиз турар жойлар, савдо ва маиший хизмат шаҳобчалари бинолари қалашиб кетганди. Улар олиб ташланди, худди қоронғи уйда чироқ ёришгандек, боғ бағри кенгайди. Марғилон сойдан иккита ариқ тортилиб оромгоҳ ўртасидан олиб ўтилди, — дейди вилоят ҳокимлиги меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси бошлиғи Анвар Шокиров. — Натижада истироҳат боғи ҳам замонавийликни, ҳам миллийликни ўзида уйғунлаштирган ғаройиб бир масканга айланди.

Боғда «Қўқон чойхонаси» дея ном олган миллий услубдаги ўймакор нақшлар билан безатилган ҳашаматли чойхона биноси битди. Чойхона ёғоч ўймакорлиги санъатининг ўзига хос кўргазмасига айланган десак хато қилмаймиз.

— Бино қурилишида бир янгилик жорий этдик, — дейди «Жалолиддин» ишлаб чиқариш фирмасининг тунукасоз устаси Машрабжон Муҳаммедов, — Одатда томга тушадиган ёмғир сувлари учун ташқаридан тунука қувурлар ўрнатиларди. Биз эса қувурларни анъанавий тарзда ташқаридан эмас, балки бинонинг ичкарисидан олиб ўтдик. Натижада бино ташқарисининг кўркига зиён етмади.

Кўҳна Қуванинг Шаҳристонида барпо этилган очиқ этнографик музей ва Аҳмад ал-Фарғоний ёдгорлиги умумийлиги маданиятимизда ҳам муҳим ҳодиса бўлиб қолиши шубҳасиз. Зеро, ўрта асрлар манзарасини ёдга солувчи қалъа деворлари, Фарғона водийси тарихининг энг кўҳна даврларидан тортиб, ҳозирги кунигача бўлган кўринишларини ифодаловчи экспонатлар нафақат тарихчилар, балки миллий қадриятларимизни қадрловчи ҳар бир киши қалбида фахр-ифтихор уйғотади.

*Алишер ИБОДИНОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Газетамизнинг доимий мухлисимисиз?

***— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?***

***— Келгуси йили ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?***

**Виль БЕГАНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси:**



— Журналист ҳаётдан бир қадам олдинда юради, деган фикр бежиз айтилмаган. Ўша ижодкор дўстларимизнинг ҳаёт билан қанчалик ҳамқадам эканини асосан «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталари орқали кузатаман. Дарҳақиқат, юртимизнинг етакчи нашрлари саналмиш бу газеталарда ҳаёт воқеликлари ҳозиржавоблик билан ёритилаётир.

Модомики, газетангиз ҳақида шундай фикрда эканман, демак, унга мунтазам обунаман. Нафақат ўзим, мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туман солиқ хизмати ходимлари ҳам жиддий эътибор билан қарайдилар бу масалага. Шу ўринда «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» ижодкорларидан ҳам истагимиз — ҳамкорлик икки томонлама бўлса. Яъни, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга хизмат қилаётган солиқ тизими фаолияти, муаммолари ҳақидаги мавзуларга кенгроқ ўрин берилса...

## 77 миллионлик шартнома

Гулистон шаҳрида вилоят тайёр маҳсулот ва хомашё ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар томонидан савдо ярмаркаси уюштирилди. Кўпгина ишбилармон ва тадбиркорлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг вакиллари ўз маҳсулотларини намойиш этишди. Ярмаркада 600,67 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот намойиш қилинди. Вилоят товар-хомашё биржаси бошлиғи Ёқубжон Ҳайдаровнинг сўзига қараганда, биринчи куниёқ 77 миллион сўмлик ўзаро шартнома тузилган.

*Абдужалил УМАРОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

## Стоматологлар анжумани

Касаллик оғиздан бошланади дейдилар. Энг кўп тарқалган касалликлардан бири тиш кариеси касаллигидир. Масаланинг аҳамиятини назарда тутиб, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Колгейт» бирлашмаси билан ҳамкорликда 26-27 октябрь кунлари I халқаро стоматологлар семинарини ўтказади.

Анжуманда чет давлатлардан келган стоматолог олимлар соҳага оид маърузалар билан қатнашадилар.

Маърузаларда стоматологик ёрдамни ташкил этиш, кариес касаллиги олдини олиш, стоматологлар малакасини ошириш, кўп болали оилаларда кариес касаллиги тарқалиши, уни турли усуллар билан даволаш ва бошқа бир қатор стоматологик касалликларга оид муаммолар муҳокама қилинади.

*Миржамол МИРЁҚУБОВ*

*Пахта 98*

# Қаршиликлар улуши

Қарши тумани пахтакорлари 40 минг 140 тонна пахтани хирмонга уйиб, йиллик режани ошириб адо этдилар. Туман бўйича ҳосилдорлик 26 центнерни ташкил этди. Яхши Омонов, Собир Раҳимов номли, «Ипак йўли» хўжаликларида бу кўрсаткич 30-32 центнерга етди. Жамоаларда пахта топшириш давом этмоқда.

*Юнус УЗОҚОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

# Нарпайликлар марраси

Нарпай тумани пахтакорлари 31 минг тонналик хирмон кўтариб, зафар қучдилар. Бу муваффақиятга «Зарафшон», «Ғалаба», «Иттифоқ» ва Алишер Навоий номли жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар. Нарпай пахтакорлари қўшимча 3000 тонна дурдона топширишга ахд қилишган. Ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.

*Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

# «Жаҳон адабиёти» – ўқувчилар даврасида

«Жаҳон адабиёти» журналининг нашр қилинаётганига ҳали икки йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида журнал ўқувчиларини топа олди.

Яқинда журнал ходимларидан бир гуруҳи республика ҳунар билим юртлари малакасини ошириш институти ўқитувчи ва ўқувчилари даврасида учрашув ўтказди. Суҳбатни доцент Ҳ. Эрбўтаев бошлаб, журналнинг ҳар бир сони ҳақида тўхталиб, жаҳоннинг энг йирик ёзувчи-шоирларининг асарлари меҳр билан ўзбекчага ўгирилиб босилаётганидан ҳурсандчилигини билдирди. Шундан сўнг журналнинг бош муҳаррир ўринбосари, таниқли шоир Мирпўлат Мирзо ўқувчиларнинг саволларига атрофлича жавоб берди.

*М. МИНГБОЕВА*

# Боғзор барака боғи

Улуғлар бозорни барака боғи деганлар. Бундай таъриф бежиз айтилмаганини Шаҳрихон деҳқон бозорини кезган киши ҳис этади. Уста ҳунармандлар ясаган бешик, пичоқ, безакли буюмлар, қўли гул чеварлар тиккан дўппи, тўн, қўшқийиқ, сўзаналар кўзларни қувонтиради.

Шаҳрихонга йўлим тушганда деҳқон бозорига кирдиму тўкин-сочинлик, серобчиликка, мулойим сотувчиларнинг олувчига ширинсўзлик билан муомала қилишларига қойил қолдим, деган ҳароратли дил сўзлари Шаҳрихон деҳқон бозори жамоасининг меҳнатига кўпчиликнинг берган холис баҳосидир.

Бозор жамоаси мулкчиликнинг янги шакли — ҳиссадорлик жамияти ташкил бўлгандан буён янада астойдил ишламоқда. Деҳқон бозори директори Озодбек Исмоилов бошчилигида ободончилик ишларини амалга оширишга эътибор бермоқда. Бу йилнинг саккиз ойи давомида 5616,8 минг сўм даромад қилинди. 16907 дона акция чиқарилди. Унинг эркин савдога ажратилган қисми Тошкент фонд биржаси орқали сотилди.

— Шаҳрихон деҳқон бозорига боғимизда етилган ноз-неъматларни келтириб тураман, — деди қувалик боғбон Мирсодиқ Камолов. Бозорда деҳқону боғбонларга эътибор борлиги учун бу томонга келгимиз келади. Бу бозор ҳар доим мўл-кўлчилик манбаи бўлмоқда.



— Пишиқчиликни қаранг, 25 сўмга икки килограмм ҳозир узилгандек қип-қизил помидор олдим, — деди харидорлардан бири.

Шаҳрихон деҳқон бозори жамоаси Президент Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларининг ҳаётга тадбиқ этилиши ҳамда бажарилишини изчил амалга ошириш чораларини кўряпти. Шаҳрихон туман ҳокимлигининг раҳбарлигида Шаҳрихон туманлараро прокуратураси, ички ишлар бўлими, солиқ идораси ва ташкилотлар ҳамкорликда режали тадбирларни рўёбга чиқармоқда.

Вилоят бозорлари ҳиссадорлик жамиятлари уюшмаси «Шаҳрихон деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти томонидан бажарилаётган ибратли тадбирларни ўрганиш мақсадида семинар-кенгаш ташкил этгани ҳам айни муддао бўлди. Анжуман қатнашчилари Шаҳрихон деҳқон бозорида бажарилаётган ишлар тажрибаси билан яқиндан танишдилар. Ўзаро фикр алмашдилар. Вилоят бозорлари ҳиссадорлик жамиятлари уюшмасининг раиси Х. Холмирзаев бозорлар фаолиятини ҳозирги талаблар даражасига етказиш учун олдинда турган вазифалар хусусида гапирди. Камчиликларни бартараф этиш ҳақида тавсиялар берди.

Семинар-кўрикнинг амалиётга боғлиқлик асосида ташкил этилганлиги кўп жиҳатдан фойдали бўлди. Ўзаро фикр алмашиниб, ишни яхшилаш мақсадида тадбирлар белгиланди. Фаолиятга таҳлилий назар юртимиз бозорларининг маҳсулоту буюмларга тўла бўлишини таъминлашга, халқ дастурхонининг тўкин бўлишига хизмат қилади.

*Аҳмадилло СОЛИЕВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

* * *

**Суратларда:** 1. Шаҳрихон деҳқон бозори ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси О. Исмоилов (чапдан биринчи) жамоа ходимлари билан навбатдаги вазифалар ҳақида суҳбатлашмоқда. 2. Бозорда айни тўкинчилик.

*Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар*

***Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Деҳқонобод» жамоа хўжалиги бу йилги пилла ва дон тайёрлаш режасини барвақт бажарган эди.***

***Ҳозир эса бутун ҳаракат пахта йиғим-теримига қаратилган. Хўжаликда 1456 гектар пахта майдони бўлиб, гектаридан 28,6 центнер пахта етиштириш режалаштирилган. 400 гектардан ортиқ майдондаги пахта «Илон қир» далаларида етиштирилади.***

***Суратларда: илғор теримчилар Муҳайё Эркаева, Собира Абдулхаева, Нулуфар Тожибоева.***

*Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар*

*Қонундан ижрогача*

# Шартномавийлик – давр талаби

Бугун мамлакатимизда мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш йўлида барча жабҳаларни бошқарувчи қонун дастаклари ишлаб чиқилмоқда. Ана шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ XII сессиясида қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонундир.

Маълумки, 1997 йил 1 мартдан амалиётга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси шартномалар тузиш ҳамда талабларини бажаришнинг асосий қоидаларини, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг амалга оширадиган барча фуқаровий-ҳуқуқий битимлари мажмуини белгиловчи, мулкий муносабатларни тартибга солувчи шартномавийликнинг ўрнини белгилаб берди.

Бироқ, мукаммал меъёрий ҳужжатлар мажмуи бўлишига қарамасдан, унда тадбиркорлик билан хўжалик юритиш фаолиятида учрайдиган барча муносабатлар тўла қамраб олинган деб бўлмайди. Шу сабабли шартномавийликка оид алоҳида ҳуқуқий актлар қабул қилинди. Масалан, гаров, суғурта ҳақидаги қонунлар, транспорт уставлари ва ҳоказолар.

Айтиб ўтиш керак, баъзи хўжалик юритувчи субъектлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажармайди, олган маҳсулотлари учун тўловдан қочади, ижро муддатларини бузади ёки маҳсулот учун олинган кредит маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб юборади. Натижада низо келиб чиқади ва хўжалик судларига мурожаат қилишга мажбур бўлишади. Чунончи, республика хўжалик судларида 1996 йилда мазкур масалага оид 11550 та, 1997 йилда 14566 та, 1998 йилнинг фақат 8 ойи мобайнида 14000 та иш кўриб чиқилган. Булар асосан тарафларнинг мурожаатлари асосида кўриб чиқилганлари, ҳали судга мурожаат этмасдан, турли баҳоналарни рўкач қилиб юрган хўжалик юритувчи субъектларию, уларнинг раҳбарлари қанча.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги 1998 йил 4 мартда чиқарилган Фармони, ушбу Фармон асосида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори муаммони ҳал этишда алоҳида аҳамият касб этди.

Хуллас, юқоридагиларни ўзида жамулжам этган ҳолда «Хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» алоҳида Қонун қабул қилинишинин айни муддао бўлди. Унда хўжалик шартномалари тузишнинг умумий қоидалари, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш, талабнома ва даъволар киритиш тартиби, шартномавий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, шартномалар тузиш ва ижросини назорат қилиш ҳамда ижро интизоми бузилганда жавобгарлик масалалари тўла акс этган.

Шунингдек, Қонунда шартномавий муносабатларнинг асосий тамойиллари тушунчаси, субъектлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг шартномавий муносабатларидаги ваколатлари акс эттирилган.

Хўжалик шартномаларига ҳамда уларнинг алоҳида турларига нисбатан талаблар шакли, тузиш ва амал қилиш тартиби, бажариш, ўзгартириш, ҳамда бекор қилиш қоидалари белгиланган. Шунингдек, Қонунда илк бор ички хўжалик шартномасига ҳам тушунча берилган.

Хўжалик шартномаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш ҳам амалиётга киритилган. Тегишли юридик хизмат ёки шартнома асосида жалб қилинган адвокат имзосисиз ёки юридик хулосасиз шартномалар тузиш таъқиқланган.

Янги Қонунда шартномалар ижросининг текшириб борилиши ҳам назарда тутилган бўлиб, улар бузилган тақдирда чора кўриш, тарафнинг қонуний манфаатини ҳимоялаш ҳамда лозим ҳолларда, айбдорларни жавобгарликка тортиш раҳбарнинг мажбурияти этиб белгиланган. Шунингдек, Қонуннинг 5-бўлимида хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари қонунни бузганларида мулкий, интизомий, маъмурий ва ҳатто жиноий жавобгарликка тортилиши масаласи қўйилган.

Президентимиз Олий Мажлис минбаридан, «Қонун қабул қилиш — бу ишнинг ярми холос. Уларнинг ҳаётга тўла тадбиқ қилинишига эришиш даркор. Бунинг учун қабул қилинган қонунларнинг кундалик турмушимизда амалга ошишини таъминловчи таъсирчан механизм яратиш лозим» деганларида мутлоқ ҳақ гапни айтдилар. Ушбу қоидага амал қилган ҳолда Адлия вазирлиги шартномавий муносабатларни қаттиқ назоратга олган ҳолда фаолият юритмоқда.

Аслида шартномавий муносабатлар бузилишининг бир неча сабаблари мавжуд. Улардан биринчиси, хўжалик юритишда шартномавий муносабатларни ҳал қилувчи мансабдор шахслар унинг моҳиятини тўла англаб олмаганлиги, чуқур ҳис этмаганлигидадир.

Оқибатда сўров ва талаб «мендан кетгунча, эгасига етгунча» бўлади. Бунга эса ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, жумладан, Адлия вазирлиги тизимида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги, қолаверса, шартномавий муносабатлар устидан етарлича назорат ўрнатилмасдан айбдор ва лоқайд раҳбарларга нисбатан муросасозлик қилиб келинганлиги, бу борада ҳуқуқнинг мавжуд дасталари чала ишлаб, масъул ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга йўналтирилган чоралар кўрилишида қатъият кўрсатилмаганлиги сабаб бўлган.

Шунинг учун Адлия вазирлиги биринчи галда ўз фаолияти ва имкониятини таҳлил қилиб чиқди. Мавжуд механизмлар ишламаётганлигига сабабчи баъзи ходимлар билан «хайрлашиш»га, жазо чоралари кўришига тўғри келди. Жойларга эса шартномаларнинг намунавий нусхалари тайёрлаб жўнатилган қўшимча кўрсатмалар берилган эди. Аммо, аксари хўжалик раҳбарлари шартномавий муносабатларга бармоқ орасидан қараб, юборилган намунавий матнларнинг оддий реквизитларини ҳам тўлдирмасдан, ҳатто қалам билан ёзиш, ваколатсиз шахслар имзолаб юборишга йўл қўйишган. Кўпчилик шартномаларда сана, муддат, қиймат, ижро предмети деган нарсалар ҳам кўрсатилмаган. Бундай шартномалар аввал бошданоқ расмиятчилик ва ҳисобот учун тузилган, табиийки, ишламасликка маҳкум ҳужжатлар бўлган. Бундай муносабат орқасида баъзида лоқайдлик ва ҳуқуқий саводсизлик турса, бошқа ҳолларда ғараз ва манфаатпарастлик ётади. Адлия вазирлиги ана шуни ҳисобга олган ҳолда прокуратура, Олий хўжалик суди ва бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда ҳуқуқ-тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб боришга, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шартномавий муносабатлар билан боғлиқ дастакларни барча бўғинларда жонлантиришга киришди. Вазирлигимизнинг ҳар бир ходимини иккитадан хўжаликларга бириктириб қўйиб, амалий-ҳуқуқий ёрдам бериш ишлари юклатилди. Бундан ташқари, уларга нуқсон ва камчиликлар сабабларини чуқур ўрганиш, бартараф этиш, лозим ҳолда айбдорларни қонуний жазога тортишгача чоралар кўриш масъулияти юклатилди.

Таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектларнинг аксариятида ҳуқуқий маслаҳатчилар штати йўқ, борларида ҳам кўпинча ўрин бўш турганлигига дуч келдик. Қисман мавжуд ҳуқуқшунос ўринларида ҳам савияси етарли бўлмаган ходимлар ўтирган бўлиб, улар хизмат доирасига кирмайдиган вазифаларга жалб этилар экан. Мазкур кемтикни тўлдириш мақсадида тегишли идораларга ўз таклифларимизни киритдик. Шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш учун тўлов асосида ишловчи фахрий ҳуқуқшунослар, адвокатлар, истеъфодаги тажрибали юристларни ҳам жалб этдик.

Ҳозир бу йўналишда 719 нафар юрист ва шартнома асосида 292 адвокат ишламоқда. Республика юристлар малакасини ошириш марказида шартномалар билан боғлиқ иш юритувчи ҳуқуқшунослар, юристларнинг махсус гуруҳларини ташкил этиб, уларга қисқа муддатли ўқув машғулотларини йўлга қўйдик. Бундай курслар деярли барча вилоятларда амалга оширилади. Республика ҳуқуқий-маърифат тарғиботи маркази ходимларининг жойларга чиқиши, махсус тушунтириш ва ўқув-семинар машғулотларини ўтказиши ҳам йўлга қўйилди. Ҳозиргача шундай машғулотлардан 2921 таси ўтказилиб, эндиликда шартномавий муносабатларни тартибга келтиришда уларнинг хўжалик субъектларига катта ёрдам бўлаётганлиги сезилмоқда.

Вазифаларни тўла-тўкис амалга ошириш учун Адлия вазирлиги марказий аппарати ва унинг жойлардаги идораларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш бошқармаси ва бўлимлари ташкил қилинди.

Хусусан, ўтган тўққиз ой ичида ходимларимиз қарийб 5529 та хўжалик ва корхоналарда шартнома интизомига оид аҳволни «чиғириқ»дан ўтказди. Тузилган 468 мингга яқин шартномалар эса мазмунан ўрганиб чиқилди. Шунда 64 мингдан ошиқ шартнома қонунга тўла ёки қисман хилоф тузилганлиги аниқланди. Биргина Самарқанд вилояти хўжаликларида қарийб 1.266 миллион сўмлик 15 мингга яқин шартнома нотўғри тузилган экан. Ходимларимиз ёрдамида мазкур шартномалардан 48 мингдан ошиғи қонунга мослаштирилган ҳолда қайта туздирилди.

Республика бўйича 1998 йилда тузилган, аммо умуман ижрога қаратилмаган 15259 та шартнома аниқланди. Шундан 3791 таси Бухоро, 1137 таси Хоразм, 4688 таси Самарқанд вилояти чекига тўғри келди. Ходимларимиз бугунгача 4923 та шартнома бўйича 4,5 миллиард сўмдан ошиқ миқдордаги зарар юзасидан талабнома (претензия)лар киритишди. Хўжалик судларига 1,7 миллиард сўмдан ошиқ зарарни ундириш учун 1265 та даъво аризаси кўзғатишда ёрдам бердилар.

Фаолиятимиз натижасида 314 нафар раҳбар интизомий, 58 нафари маъмурий, 43 нафари жиноий жавобгарликка тортилган. 128 мансабдор шахс лавозимидан озод қилинган. 2144 нафарига нисбатан мулкий зарарни қоплаш ҳақида қарор қабул қилинган. 152 шахсга бошқа чоралар қўлланилган. Масалан, Бухоро вилоятида 72, Хоразмда 24 мансабдор шахс лавозимидан озод этилган.

Адлия ходимлари томонидан дебитор қарзларини ундиришга тўсқинлик қилган, қарздорлар билан муносабатлари бузилиб қолишидан «кўрққан» хўжалик раислари, бош ҳисобчиларга нисбатан интизомий чора кўриш, вазифасидан озод этиш учун туман ҳокимларига, тақдимномалар киритилди ва улар тўла қаноатлантирилди.

Шунингдек, адлия ходимлари республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 майдаги «Бозорлар фаолиятини тартибга солиш юзасидан мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширди.

Жумладан, Қорақалпоғистон, Тошкент шаҳар ва вилоятлар адлия ходимлари барча бозорларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида бириктириб қўйилди.

Ўтган тўрт ой мобайнида улар 272 та бозор ва уларнинг 309 та шаҳобчаларида шартнома мажбуриятлари бажарилишини ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганиб чиқишди. Бунда асосий эътибор бозор мажбуриятларининг бевосита қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари билан тузган шартномалари қонунийлиги ва улардаги мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилди.

Бозорларда адлия ходимлари текшириши давомида қонун нормаларига мувофиқ келмайдиган ёки қисман нотўғри тузилган 437.072.202 сўмни ташкил этувчи 2205 та шартнома мавжудлиги аниқланди. Шундан 334.465.401 сўмлик 696 та шартнома қайта туздирилди.

Бундан ташқари, адлия идоралари ҳукумат режаси асосида 20 та уюшма, идора ва ташкилотларда, жумладан, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзмахсусмонтажқурилиш», «Ўзбекбирлашув» ва бошқа уюшма ва компанияларда ҳам шартномавийликнинг аҳволини ўрганиб, кўплаб жиддий нуқсонларга дуч келди. Хусусан, «Интерсервис» бирлашмасининг 1996 йил 28 ноябрдаги шартномасида томонларнинг жавобгарликлари ва банк реквизитлари кўрсатилмаган.

Муддатлар бузилиши ҳоллари кўплаб содир этилган. Масалан, Россиянинг «Контекс» фирмаси билан тузилган контракт бўйича кўзда тутилган 50 минг тонна пахта толаси ўрнига амалда 45 минг тонна етказиб берилган, холос. Шартномаларда ижро муддати 1997 йил октябридан 1998 йил апрелигача белгиланган бўлиб, амалда ижро таъминланмаган. Бундай аҳволни бошқа контрактларда ҳам учратиш мумкин.

Бирлашмада 1995 йил 16 октябрда «Компани Контененталь» (Франция) фирмаси билан тузилган контракт бўйича 84293,96 АҚШ доллари миқдорида, яъни 4925400 сўмлик дебиторлик қарзи ҳозиргача ундирилмаган, ҳатто эътироз билдирилмаган, ҳужжатлар арбитражга жўнатилмаган. Натижада қарзни зарар ҳисобига олиш тўғрисида бирлашма бош директорига хизмат хати киритишга мажбур бўлдик.

Юқоридаги мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шундай бўлса-да, таъкидлашимиз жоиз, шартномавий муносабатларни тартибга келтириш бўйича ижобий силжишлар сезилмоқда. Адлия ходимлари аралашувида шартномавийликда ижро интизомини бузганлардан 6 миллиард сўмдан ошиқ миқдордаги маблағ реал ундириб берилди.

Кўринадики, шартнома интизомини тўла тартибга солиш учун бизда барча имкониятлар етарли. Ҳуқуқий база — юқорида айтилган жорий йилнинг 1 ноябридан кучга кирадиган Қонун яратилганлиги эса имкониятни яна оширади. Гап уни амалда тўғри тадбиқ қила олишда.

*Сафар НАЗАРОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари.*

**Интилиш.** *Владимир ПАНОВ олган сурат*

*Мавзуга қайтиб*

# Қор ёғди, излар босилмади

Шу йилнинг 26 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида «Республика иқтисодиёти тармоқларини 1998-1999 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлашнинг бориши тўғрисида»ги масала кўтарилган эди. Бу мажлисда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида иссиқлик тармоқларининг барқарор ишлашига дахлдор ташкилотларга йўл-йўриқлар, амалий топшириқлар берилганди. Шу жумладан «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмаси раҳбариятига ҳам 15 октябргача кўмир билан истиладиган халқ таълими муассасаларини тўлиқ таъминлаш вазифаси юклатилди.

Маълумки, ушбу мавзуда «Ўзбекистон овози» газетаси 4 август сонида танқидий материал чоп этган эди. Унда «Кўмир» ҳиссадорлик бирлашмасининг фирма ва ташкилотлари айби билан ўтган йили Хоразм, Самарқанд, Жиззах, Наманган ва бошқа вилоятларда қиш фаслида ўқиш-ўқитиш ишлари тўхтаб қолганлиги, айни кезда ҳам таълим муассасаларини кўмир билан таъминлаш ўлда-жўлда эканлиги айтилганди.

Вазирлар Маҳкамасининг ушбу мажлисидан сўнг орадан салкам бир ой вақт ўтди. Мажлисда белгиланган муддат ўтиб кетди. Қор ҳам ёғди. Лекин, халқ таълими муассасаларига жўнатилган кўмир 15 октябрь маълумотига кўра, 155143 тоннага етди, холос. Бу эса жамғарилиши керак бўлган кўмирнинг 48 фоизини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги топшириқдан сўнг кўмир жамғариш кўрсаткичи беш фоизгагина ўзгарди.

Ўйланиб қолдик: наҳотки «Ўзбеккўмир» фирмаси ва бу ишга боғлиқ ташкилотлар зиммаларидаги масъулиятга шунчалар енгил-елпи қарашади? Агар аҳвол шу кетишда бўлса, қолган 52 фоиз кўмирни жамғариш учун қанча вақт керак? Бунақада қиш ўтиб, баҳор ҳам келади-ку!

Яқинда мамлакатимизнинг кўпгина ҳудудларида қор ёғди. Демак, қиш эшик қоқди. Эрта-индин аёзли кунлар бошланиши табиий ҳол. Нима, бу йил ҳам ўтган йилгидек қиш чилласида мактабларда ўқув машғулотлари тўхтатиладими? Ахир, эртага аёзли кунлар сабаб ўргана олмай қолган, охир-оқибатда билим ололмай қолган болакайлар учун ким жавоб беради?

*Маъмуржон ҚИЁМОВ,*
*«Ўзбекистон овози» мухбири*

***Халқ таълими муассасаларига 15 октябргача кўмир ортилиши ҳақида вилоятлардан олинган тезкор маълумот***

| Вилоятлар | 1998 йиллик режа (тонна ҳисобида) | Ҳақиқий олингани | Фоиз |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 7660 | 1641 | 21 |
| Андижон | 48300 | 32584 | 73 |
| Бухоро | 8910 | 8750 | 98 |
| Жиззах | 10000 | 2136 | 21 |
| Қашқадарё | 33500 | 6423 | 19 |
| Навоий | 12490 | 6372 | 51 |
| Наманган | 43640 | 15235 | 35 |
| Самарқанд | 32850 | 14799 | 45 |
| Сурхондарё | 31700 | 24000 | 76 |
| Сирдарё | 10300 | 7010 | 68 |
| Хоразм | 4300 | 2582 | 60 |
| Фарғона | 47540 | 23237 | 49 |
| Тошкент | 31360 | 7671 | 24 |
| Республика бўйича | 322550 | 155143 | 48 |

*Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир*

# «Ҳомила»ли эркаклар

Ҳаётнинг ажабтовур ҳангомалари, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеалари бисёр. Мана буниси ҳам...

Душанбе — Волгоград йўналиши бўйича қатновчи поезд Когондан ўтаётганида йўловчиларнинг аксарияти ширин уйқу оғушида эди. Бироқ, 19-вагондаги айрим йўловчилар нимадандир безовтага ўхшарди. Бу эса ҳар нарсага шубҳа билан қарайдиган ички ишлар ходимларини сергак торттирди.

Ҳаммаси стол устидаги вазелин қутидан бошланди. Хўш, бу қути эркакларга нима учун керак бўлиб қолди?

Дастлабки савол-жавоблар зое кетди. Шубҳали йўловчилар тайинли жавоб беришмади. Бироқ, тиббий пунктда ҳаммаси маълум бўлди-қолди. Бу икки эркакнинг героиндан «ҳомила»си бор, деган ташхис қўйилди. Шундан сўнг тожикистонлик фуқаролар Воҳид Б. ва Олим Г.лардан бирининг қорнидан 48 дона, иккинчисиникидан 20 дона резина шарикдаги гиёҳванд моддалари... олинди.

Уларнинг қолипга сиғмайдиган бу қилмишлари алал-оқибат ўзларини қора курсига етаклаб борди. Жамиятга ашаддий зарар келтирувчи шарикчалар ўша заҳотиёқ йўқ қилинди.

Хуллас, Бухоро тармоқ ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Саъдулло Шариповнинг сўзига қараганда бундай воқеа биринчиси эмас экан. Бундан олдин бир-икки аёл ҳам шундай «усул»дан фойдаланмоқчи бўлганда қўлга тушган.

Дарҳақиқат, Нақлиёт ички ишлар бошқармаси ходимларининг поезд ва самолётларда кетаётган йўловчиларни синчковлик билан текширишлари натижаси баъзан ана шундай ғаройиботларни фош қилиш билан якунланади.

*Шуҳрат РЎЗИЕВ,*
*Нақлиёт ИИБ катта инспектори, милиция катта лейтенанти.*



**Калькутта кўчаларида.** *Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат*

*Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

## Ҳайдовчи ёнида... «ҳайдовчи»

Бунақаси тарихда бўлмаган. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, такси ҳайдовчиси шундай воқеанинг гувоҳи бўлди. Унинг ҳикоя қилишича, юзидан аниқ бир ифодани сезиб олиш қийин бўлган бир мижоз унинг ёнига ўтира солиб гапга тушиб кетди. Буниси ҳам майлия, у ёнидаги сумкадан руль олиб, ҳайдовчи нима қилса шуни айнан такрорлай бошлади. Аввалига таксичи бунга унчалик эътибор бергани йўқ. Машина ҳайдашга қизиқса керак-да, деб ўйлади у.

Аммо, йўл босган сари «жинни» мижоз ғалати қилиқлар чиқара бошлади. Йўлда нима кўп машина кўп. Айримларини қувиб ўтиши керак бўлади, баъзиларига йўл беришга. Шундай зудлик билан ҳаракат қилиш зарур бўлган ҳолатларда турган гапки, рулни чаққонлик билан буриш талаб этилади. Аммо, ажабланарлиси шундаки, мижоз унинг ана шу чаққон ҳаракатларига ҳам тақлид қилиб ҳайдовчининг кўп бошини қотирди.

Ниҳоят, таксичи унинг ҳиқилдоғидан олмоқчи бўлди. Бемаза қилиқларидан зада бўлиб, уни машинадан тушириб юборишга уринди. Бироқ, серқатнов йўлда бунинг иложини қилиш қийин эди. Шу сабабли, «тақдирга тан бериб» манзилга етиб олишга шошилди. Шу чоғда орқадан бир машина уларни қувиб ўтмоқчи бўлиб, ёнма-ён келиб қолди. Қўшни машинадаги ҳайдовчи қараса, таксида бир эмас, икки одам рулни бошқариб кетаяпти. Унинг ажабланишининг чеки йўқ эди. Таксичи ўзига анқайиб қараётган ҳайдовчининг машинасини ўтказиб юбориш учун шартта тормозни босди. Мижоз худди шу пайтда ғалати аҳволга тушиб, ўз «рул»ини ўнгга буриб юборди. Унинг мақсади машинани қутқариб қолиш бўлган бўлса керак-да. Энг ёмони, таксичи ҳам мижознинг бу ҳаракатини такрорлади. Машина йўлдан чиқиб тўппа-тўғри телеграф симёғочига бориб урилди. Ҳайриятки, машинадагилар лат ейишмади. Сохта руль тутган мижоз бўлса ўз «рул»ини олиб сумкасига жойлаштирди, йўл ҳақини тўлаб шу кўйи жўнаб қолди.

Бунақа ҳангомани умрида биринчи кўриб турган таксичи эса ҳанг-манг эди...

## Парламент лойиҳани маъқуллади

Албания парламенти мамлакатнинг янги Конституция лойиҳасини маъқуллади. Ушбу масала бўйича ноябрь ойи охирида умумхалқ референдуми ўтказилади.

Айни пайтда мамлакатда 1991 йили парламент томонидан тасдиқланган Конституция амал қилмоқда. Бу асосий қонун коммунистлар режими даврида, яъни 1976 йилда қабул қилинган Конституция бекор қилинганидан кейингисидир.

❖

## Аҳдлашиб олишди

Европа мамлакатлари билан Жазоир террористларга қарши кураш кучларини мувофиқлаштиради. 21 октябрь куни Венада бўлиб ўтган учрашувда Европа Иттифоқига кирувчи уч мамлакат — Австрия, Буюк Британия ва Германия вакиллари ҳамда Жазоир ташқи ишлар вазири Аҳмад Аттаф шундай аҳдлашувга келди.

Шунингдек, музокараларда ЕИ билан Жазоир ўртасидаги ҳамкорлик, хусусан, иқтисодий соҳалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

## Роналдонинг маъшуқалари

Маълум ва машҳур футболчи Роналдонинг майдонда тўп сураётиб, ўзини ўққа-чўққа уришини кўрганмиз. Аммо, у жононлар билан муносабатда ўзини тортинчоқ деб кўрсатишга уринаркан. Зеро, унинг мухлислари бўлмиш хонимлар эса Бразилияда «роналдинис» деб эркалашар, кўзга кўринди дегунча ўзларини қўярга жой тополмай қолишади.

Вивиане Бруниери билан Надя Франке «роналдинис»нинг алоҳида маъшуқаларидан. Уларнинг иккови ҳам нафақат маҳаллий, балки хорижий матбуот ходимларига ҳам бажонидил сўз айтаверадилар. «1996 йилнинг ажойиб ёз кечаларидан бирида Роналдо менга муҳаббат изҳор қилган эди, — деб эътироф этади Вивиане немисча «Нойе ревью» ҳафтаномасига берган интервьюсида. — Биз у билан ярим йил мулоқотда бўлдик. Назаримда у осмондан тушган ошиқ-машуққа ўхшарди. Ҳозиргача ҳам у, ҳам бу маънода ажойиб тўпурар бўлиб турибдики, ҳар иккисини 10 балли тартибда баҳоланадиган бўлса юқори ўринлардан бирини эгаллаши табиий».

Надя Франке ҳам бу борада гапирганда оғзидан бол томади: «Мен унинг бир йиллик қаллиғи бўлганман. Роналдо «Эйндховен» жамоасига ўтиб кетгунича яқин бўлиб турдик. У Белла Хоризонт чироқлари остида муҳаббатдан менга қасамёд қилган эди. У билан ажойиб кунларни бошдан кечирдик. Роналдо ҳамма нарсадан ишқни афзал билар, ичкиликка ҳуши йўқ, оилапарвар эркакларни эслатади».

Голландиянинг «Дададо» клуби президентининг қизи Ани Андерсен тўшагида Роналдони кўришганмиш, деган ғийбат тарқалганидан кейин эса Надя қаттиқ изтироб чекди ва журналистларга: «Агар шу тўғри бўлса, у ҳайвон экан. Билсангиз, мен тўрт ойлик ҳомиладорман. Яқин орада ўғлимиз дунёга келади. Роналдо бўлса бошқалар билан кўнгил очиб юрибди-я», деган фикрни билдирди.

Албатта, ҳомиладорлик ҳақида гап бошқа юзага чиқмади. Иккала хоним ҳам ўзларига даромадли иш топишди, яъни шармандали суратларга тушишмоқда. Аммо, ҳар иккаласи ҳам Роналдо билан телефонда ҳол-аҳвол сўрашиб туришар экан. Бундай аёлларнинг Роналдо билан ошкора муносабатларидан бохабар бўлган янги ошиқ Сузанна Вернер бўлса куёвини судга беришни ихтиёр этмоқда. Унинг гапига қараганда, Роналдо: «ўтга ёғ қуйиш билан овора бўлаётган экан». Ҳа, футбол юлдузларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Табиат кимга кўпроқ неъматларини иньом этса, бундай бойликнинг совурилиши ҳам шунга яраша бўларкан-да.

**Волга қўнғироқлари.**

## Йирик операция якунланди

Германия полицияси ходимлари Дортмунд шаҳрида уюшган жиноятчиларга қарши кураш борасида йирик операцияни якунладилар.

Полиция маҳкамаси хизматчиларининг таъкидлашича, тадбир давомида 18 нафар хавфли жиноятчи ҳибсга олинди. Улар банкни ўмариш, рэкет ва бошқа жиноий ишлар билан шуғулланиб келган.

❖

## Қирувчи самолёт етказиб берилди

АҚШ Тайванга 103 та «Ф-16» русумли қирувчи самолёт етказиб берди. Америка буюртмада кўрсатилган яна 47 та жанговар самолётни келаси йил октябрь ойигача Тайванга етказиб беради.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, 1992 йили Американинг «Локҳид» фирмаси мазкур русумдаги самолётларни Тайванга сотиш тўғрисидаги шартномани имзолаган эди. Унинг қиймати 5,8 миллиард АҚШ доллари миқдорини ташкил этади. Худди шу йили Тайван мудофаа вазирлиги билан Франция ўртасида битим имзоланди. Унга кўра, Франция томони Тайванга шу йилнинг ноябрь ойи охирига қадар умумий қиймати 3,8 миллиард АҚШ долларига тенг «Мираж-2000» русумли 60 та қирувчи самолёт етказиб бериши шарт.

## Уйқусизлик... касалликми?

Уйқунинг нақадар зарурлиги ҳақида кўп ёзишган. Яқинда Америка миллий жамғармаси уйқусизлик келтириб чиқарадиган зарарларни ўрганиб, янги хулосалар ясади. Одам бир кеча-кундузда саккиз соат ухласа етарли. Энди айтиш мумкинки, етти соат ухласа нима бўлади? Айримлар ҳатто беш-олти соат ухласа ҳам бўлаверади, деган фикрда-ку! Миллий жамғарма бунга жавоб топди. Агар инсон саккиз соатдан кам ухласа унинг танаси жисмоний ва руҳий жиҳатдан албатта бирон касалликка йўлиқар экан! Фақат саккиз соатлик уйқугина инсонни кун бўйи соғлом ва тетик юришига кафолат бўла олади. Гап шундаки, АҚШда ҳар уч америкаликдан бири 5-7 соат уйқу билан кифояланишар экан. Шунинг учун ҳам Америка миллий жамғармаси бу масалада бонг урди. АҚШнинг салкам 40 фоиз аҳолиси кам ухлаш оқибатидами, уйқусизлик касаллигига мубтало бўлишган. Натижада улар муттасил чарчаб, ўз иш қобилиятларини кескин камайтириб юборганлар.

Шу кунларда уйқу муаммоси билан Стэнфорд университети (Калифорния) олимлари ҳам жиддий шуғулланмоқдалар. Уларнинг аниқлашларича, уйқуга тўймаган 30 фоиз киши ўз иш қобилиятини йўқотган. Умуман, АҚШда 24 фоиз эркаклар ва 9 фоиз хотин-қизлар уйқуга тўйишмас экан. Хулоса битта: миллат уйқуга тўймаяптими, демак, унинг касаллиги ҳам кўпаймоқда. Клиникалардан бирининг раҳбари шундай хулосага келдики, кечқурунлари жуда кеч ухлаётган миллионлаб америкаликлар соғлиғини тиклаш учун врачларнинг қўлидан ҳам ҳеч нарса келмайди. Оддий инсонлар наҳотки уйқунинг шу қадар ҳаёт учун зарурлигини ҳис этишмаса?!

Экспертларнинг хулосасига мувофиқ соғлом инсон ёшлигидан то қариғунгача саккиз соатлик уйқуга содиқ қолиши керак. Мутахассислар аниқ хулосага келдилар: мабодо етти соатдан ухласак ҳам бўлаверади, деб ўйлаганлар қаттиқ янглишадилар. Барибир, инсон танаси «ўз нормаси» — 8 соат уйқуни кейинчалик қоплаб олар экан. Шундай қилиб, табиат инсонга ато этган уйқу нормасини ҳар қандай чалғитишга уриниб бажармаслиги кони бефойда.

Шунинг учун ҳам экспертлар бу муаммога бутун жамоатчиликнинг эътиборини жиддий тортишга даъват этмоқдалар. Уйқусизликнинг асосий иллати деб телевидение ва бошқа омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ҳар хил хабарларга ўчлик, «завқ устига завқ олиш» бунга асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Ҳолбуки, электр кашф этилмасдан илгари одамлар ўртача тўққиз соатдан ухлашгани тарихий манбалардан маълум. Чунончи, ҳайвонлар ҳеч қачон уйқу меъёрининг бузилишига йўл қўймас экан. АҚШ миллий жамғармаси оммавий уйқусизлик жиддий хавф солаётганлиги муносабати билан ҳар йили 2 апрелни Миллий уйқу куни деб эълон қилишни таклиф этган. Бу таклиф ҳам кишида табассум уйғотмасдан қолмайди, албатта. Негаки, 1 апрель кулги куни-ку.

*Ҳамид ИКРОМОВ тайёрлади*

## Жаҳон технологиялари даражасида

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси энг замонавий «А-310», «Боинг» ва «RJ-85» самолётларига эга бўлиб, жаҳон авиа ташиш бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Эндиликда халқаро парвозлар даражаси ҳам кенгайиб бормоқда. Энг замонавий техникага эга бўлиш бошқа, унга техникавий хизмат кўрсатиш бошқа. Ҳозирга қадар сотиб олинган самолётларга Германиянинг «Люфтганза» авиакомпанияси техникавий хизмат амалга оширилаётганди. Бу эса катта миқдордаги валютани сарфлашни тақозо этар ва миллий авиакомпания чиқимларининг маълум қисмини ташкил этарди. Шу боис, 243-авиатаъмирлаш корхонаси базасида Ғарб самолётларига техникавий хизмат кўрсатиш маркази тузилди. Натижада, ўзимизда хорижий самолётларга техникавий хизмат кўрсатишнинг жаҳон технологияси ўзлаштирилди. Куни кеча бу ерда миллий авиакомпаниянинг биринчи «А-310» аэробусига техникавий хизмат кўрсатиш ишлари якунланди. Бу ўзбек мутахассисларининг юксак салоҳиятидан гувоҳлик беради.

*Алишер РЎЗИЕВ*

❖

## Халқаро теннис: муросасиз баҳслар

Фарғона, Қаршида ўтказилган халқаро сателит мусобақаси Самарқандда якунланиш арафасида. Бу ерда ҳам мусобақалар қизғин ва муросасиз давом этди. Мукофоти 25 минг доллар қилиб белгиланган бу мусобақада Ватанимиз теннисчилари ҳам қуруқ қолмасликка астойдил ҳаракат қилишмоқда. Маълумки, Олег Огородов бўлиб ўтган икки мусобақада ўзини кўрсатганди. Бироқ бу сафар жуфтлик баҳсида биринчиликни ололмайдиганга ўхшайди. Чунки, финалга чиқиш имкониятини бой берди. Якка баҳсларда эса, ҳал қилувчи учрашувни фин Тапио Нурминен билан ўтказади.

## Янги дастур билан Японияга

Яқинда Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройида «Ассалом қуёш» рақс дастасининг ўзига хос шарафлаш маросими ўтказилди. Шу муносабат билан рақс дастасининг бадиий раҳбари Муборак Мирзаева қуйидагиларни сўзлаб берди.

— Ўн йилча аввал 2-интернат мактаб қошида рақс тўгараги ташкил қилинганди. Бу ерда 250 дан кўпроқ ўқувчилар рақсга ошуфталик қилишди. Гап шундаки, ўзим «Баҳор» рақс ансамблида қатнашиб юрган чоғларим ана шундай болалар дастасини тузишни орзу қилардим. Ҳозир 60 нафар қизларни уч гуруҳга бўлган ҳолда машғулотларни ташкил қилганмиз. Қизиғи шундаки ёш раққосалар юртимизнинг деярли барча шаҳар, қишлоқларида бўлиб, санъатларига яраша олқиш олишган. Дастуримизга 30 дан ортиқ рақс киритилган бўлиб, биз уларни АҚШ, Канада, Туркия, Болгария, МДҲ мамлакатларида бўлганимизда намойиш этдик. Бу мамлакатларда болалар ижодиёти халқаро фестивалларини ташкил этилган эди. Биз 5 йил аввал Москвада ўтказилган халқаро кўрикда «Грам-при» мукофотига лойиқ кўрилдик. Назаримда, муваффақиятларимиз катта ёшдаги раққосаларда бўлгани каби қизчаларимизга тикиб берилган башанг ва нафис кийим-кечакларда ҳам бўлса керак. Бизни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси, «Демир» фирмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати қўллаб турибди. Шу кунларда Японияда ўтказиладиган Халқ ижодиёти фестивалига тайёргарлик кўряпмиз. Яна бир нарсани таъкидлашни истардим, у ҳам бўлса мактаб-интернат маъмурияти рақс тушиб машқ ўтказиш учун мўлжалланган катта зални бизга инъом этди. Биз қўлимиздан келганча ишончни оқлашга ҳаракат қилаверамиз.

*Жасур ҲОЖИАКБАРОВ*

*Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи*

**«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ**

**Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жарёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради**

***ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН***

**КАОЛИН**

**«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.**

***КВАРЦ ҚУМЛАРИ***

0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.

«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц кумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида

**СОТАДИ.**

**Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:**

***Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.***

**Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.**

**«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

## ДУШАНБА 26

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Танбур».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.35 «Чироғи ёниқ ўй». Телетанлов.
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Соғинчли салом».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Севаман сени элим». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.40 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод алифбоси».
21.25 «Буюк муҳаддис». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги тантаналари.
22.45 «Сиёсат оламида».
23.05 «Қиёфа».
23.35 «Ахборот».
00.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» — «Сўғдиёна».
00.50—00.55 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Жажжи давра», Мульттомоша).
18.35 Эгиз қўшиқлар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Олтин мерос.
19.35, 20.25, 22.20 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.30 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.50 Ёшлар куйлайди.
21.05 Ўзбегим. Навоий вилоятидан тайёрланган. 2-кўрсатув.
21.25 Нигоҳ. Ёшларни турмуш қуришга муносабати.
21.40 Араб эстрадаси.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Синема. «Оролга сайр».
23.45 Хайрли тун!

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 Телефакт.
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Бумеранг».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Дорихона эшитади...».
21.25 «Таггерт». Телесериал.
22.15 «Даракчи».
22.25 Оҳанглар ва эълонлар.
22.30 Саргузашт фильмлар экрани.
00.05 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Кимга қанақа?».
21.40 «Бу бўстон аро».
22.00 «Вести».
22.30 «Сиз учун».
22.50 Кинематограф: Жеки Чан «Ҳукмронлик белгиси — II» фильмида.
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 Тунги сеанс: «Ширин орзулар». Бадиий фильм.
02.50—02.55 Тунингиз осуда бўлсин!

## СЕШАНБА 27

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент — янги шаҳар».
8.55 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
9.15 Эстрада тароналари.
9.40 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Замин фидойилари».
10.25 Янги алифбони ўрганамиз.
10.55 «Қойилмақом Гоша». Мультфильм.
11.10 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 1-серия.
13.20 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
14.10—15.15 Кундузги сеанс: «Ҳуррият». Бадиий фильм. 2-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
18.30 «Эл тинчлиги йўлида».
18.50 Халқаро симфоник мусиқа фестивали.
19.10 «Мулк ва муносабат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Бободеҳқон, Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
21.35 «Акс садо».
22.10 Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги тантаналари.
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мульттомоша).
18.35 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.50 «Куйла ёшлик».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ватан манзаралари.
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Болливудга нигоҳ».
20.50 «Ёнмаган ёзувлар».
21.15 «Танишинг: «Сидерис» гуруҳи».
21.30 Ёшлар ва спорт.
21.40 Шарқ эстрадаси.
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Синема. «Ҳибсдагилар».
23.45 Спорт-қитъаси.
00.10 Хайрли тун!

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Ҳудуд «М». Ёшлар учун дастур.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.05 «Адабий иқлим».
22.25 «Ишдаги ишқ ёки...»
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Киноногоҳ».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Муъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Сизнинг адвокатингиз».
21.40 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
22.45 «Ёвузлар ва гўзаллар» (1952 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Сайёҳлар эрмаги». Саргузашт фильм.
02.35-02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

## ЧОРШАНБА 28

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
8.50 Устоз.
9.10 «Мардлар қўриқлайди Ватанни».
9.30 «Танаффус № 5». Мультфильм.
9.40 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Маърифат маскани».
11.00 «Куйлардан қўшиқларга». Мусиқий дастур.
11.30 «Акс садо».
12.05 Кундузги сеанс: «Ҳуррият». Бадиий фильм. 3—4 сериялар.
13.45 «Томчи».
14.10—14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Хоразм».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Меҳригиё».
18.45 «Қалқон».
19.05 «Тўртинчи ҳокимият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Сурхондарё вилояти.
21.40 «Аёлингни асрагин элим». Хосият Бобомуродова.
22.15 «Олтин пўртаҳол» учрашувлари». 1-қисм.
22.35 «Тунги ҳамроҳ»:
«Ўхшаш чеҳралар».
«Ёшлар ва эстрада».
23.40 «Ахборот».
00.10 Теннис бўйича Сателлит. «Буюк ипак йўли». Халқаро турнири.
00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси». Мульттомоша).
18.35 «Семург». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастури.
18.50 «Бозор ва мулк».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Ракурс».
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 21.55, 22.40 — Эълонлар.
20.30 «Менинг фикрим».
20.45 «Ринг».
21.05 «Минг бир маслаҳат».
21.20 «Куйла, ёшлигим».
21.35 Авторейд.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий клип-антракт.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Хит-коллекция.
22.45 Синема. «Сайрга чиққан кичкинтой».
00.10 Шу куннинг мавзуси.
00.30 Мода ҳақида.
00.45 Хайрли тун!.

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Усто». Телелавҳа.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий танаффус.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Хайрли оқшом».
22.10 ТВ ва театр.
22.30 «Даракчи».
22.40 Оҳанглар ва эълонлар.
22.50 Видео—«О».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Польшага назар».
21.40 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
*
22.30 Кинематограф: Жан Рено «Леон» фильмида (АҚШ).
00.10 «Ахборот» (рус тилида).
00.35 Тунги сеанс: «Ҳеч қачон йўқ дема». Бадиий фильм.
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

## ПАЙШАНБА 29

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Оҳанглар жилоси». Мусиқий дастур.
9.10 «Бармоқлар сеҳри».
9.30 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Болалар учун. «Алпомишлар ҳамиша ғолиб».
10.55 «Кафолат».
11.15 «Бастакор илҳоми». Мусиқий дастур.
11.45 «Турон қизлари». Спорт дастури.
12.05 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 5-серия.
13.15 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
13.35 «Мактублар — кабутарлар».
14.10—15.20 Кундузги сеанс. «Ҳуррият». Бадиий фильм. 6-серия.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Ғазалхон ёшлигим».
18.25 Ҳиссадор — манфаатдор».
18.50 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олам қўшиққа тўлсин». Абдулҳай Каримов.
21.30 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
22.35 «Олтин пўртаҳол» учрашувлари». 2-қисм.
22.55 «Сомон йўли».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мульттомоша).
18.35 Баҳс, мунозара, таҳлил.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 Ёшлик наволари.
19.35, 20.25, 22.40 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Одобнома».
20.40 «Ёшлар» телеканалида.
20.45 Сиз севган хонанда: З. Суюнова.
21.00 Бегойим.
21.25 «Мутойиба».
21.45 Шарқ эстрадаси.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.45 Синема. «Ашаддий муҳаббат».
00.10 «Жаҳон жанговар санъати».
00.30 Хайрли тун!

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Оҳанглар оғушида».
18.40 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.10 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.50 «Даракчи».
22.00 Оҳанглар ва эълонлар.
22.05 «Видео-«О».
23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Қасдлашиб» сериалида руслар сири.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Глинка-44».
21.40 «Спорт клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Кино сайёраси».
22.50 Кинематограф: Жанна Моро, Марчелло Мастроянни «Тун» фильмида (Италия).
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 Тунги сеанс: «Ниқоблар». Бадиий фильм. (Франция).
02.35—02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

## ЖУМА 30

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Умрбоқий қўшиқлар». Мусиқий дастур.
9.00 «Илм ўзликни билмакдир».
9.20 Болалар учун. «Бизнинг азиз боболар».
9.40 «Осон эмас бу майдон ичра...». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Мезон».
10.30 Немис тили.
11.00 «Ғаройиб воқеа». Мультфильм.
11.10 Ўзбек куйларидан концерт.
11.40 «Суғдиёна-98». Халқаро авторалли пойгаси.
12.05 Кундузги сеанс: «Пилигрим» капитани». Бадиий фильм.
13.35 «Ёзув столидан репортаж».
14.10—15.10 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Сенимн, шошмай тур!». Мультфильм.
18.20 «Ҳа, ҳа, ҳа». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.45 «Қалб гавҳари».
19.05 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ҳисобини билганлар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти, Поп тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.
21.45 «Бирдан бир миллионгача». 1-қисм.
22.10 Диққат, премьера. С. Сирожиддинов. «Ҳаёт эшиги ортида». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.25 «Ахборот».
«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.
23.55 Бадиий фильм.
01.20—01.25 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Олтин калит, Мульттомоша).
18.35 Талабалар шаҳарчаси.
18.50 Ўйна, гулим ўйна.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Шабнам».
19.35, 20.25, 22.35 — Эълонлар.
19.40 «Морена Клара». Телесериал.
20.30 «Автосалтанат».
20.40 «Бизнес доктор».
21.10 Мусиқий лаҳзалар.
21.15 «Азизим».
21.35 «Интерспорт».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 Араб эстрадаси.
22.35 Синема. «Каролина Лэмб хоним».
00.35 Спорт-қитъаси.
01.00 «Мунаввар тонг истаб».

**ТВ**

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Ҳудуд «М». Ёшлар учун дастур.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.05 «Адабий иқлим».
22.25 «Ишдаги ишқ ёки...»
22.50 «Даракчи».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 «Киноногоҳ».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Муъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
*
20.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал.
21.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
21.25 «Сизнинг адвокатингиз».
21.40 «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
22.45 «Ёвузлар ва гўзаллар» (1952 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
00.40 «Ахборот» (рус тилида).
01.05 Тунги сеанс: «Сайёҳлар эрмаги». Саргузашт фильм.
02.35-02.40 Тунингиз осуда бўлсин!

## ШАНБА 31

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Шоҳруҳ» клуби.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Қарши». Премьера.
«Умид» намойиш этади:
9.50 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.10 «Кулги терапияси».
10.30 «Вақтинг кетди».
*
10.55 «Ҳамроз».
11.25 Телевизион миниатюралар театри саҳнасида. Э. Раимов. «Синов».
12.00 Кундузги сеанс: «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 «Ором онлари». Мусиқий дастур.
13.40-14.10 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Оқшом эртаклари».
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.45 «Оила». Тележурнал.
22.15 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.35 «Оловли йўл». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.55—01.00 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» намойиш этади.
9.30 «Дилбарим».
9.45 «Нигоҳ».
10.00 «Куйла, ёшлик».
10.10 «Ракурс».
10.35 Мусиқий лаҳзалар.
10.40 «Бегойим».
11.05 «Ёнмаган ёзувлар».
11.30 «Танишинг: «Сидерис» гуруҳи».
11.45 «Ўзбегим».
12.05 Ринг.
12.25 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
13.10 «Ёшлар» телеканали ва «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Бухоройи шариф» достони. Биринчи фильм. 1-қисм.
13.45 «Сир».
14.00 Мода ҳақида.
14.15 «Синбод». Телесериал.
15.00 Шу куннинг мавзуси.
15.20 Синема.
16.45 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
17.15 Хит-коллекция.
17.35 Спорт-қитъаси.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Боланинг тили», Мульттомоша).
18.35 «Хуш келибсиз!».
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Агарда сиз...»
19.35, 20.25, 22.40 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Туйғу».
20.50 Бизнес-академия.
21.10 «Тақдим».
21.30 «Интер-футбол».
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Сенинг вақтинг».
22.45 Синема. «Аполлон 13». Бош ролда Том Хэнкс. 1-серия.
23.55 Хайрли тун!

**ТВ**

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
8.20 Дилором наволар.
8.35 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.20 «ТВ ва театр».
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Муаллиф».
11.40—12.25 «Бева Бланка». Телесериал.
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.20 «Табиат шифохонаси».
18.30 «Қонун ҳимоясида».
18.40 «Кичкинтой». Чарлин Чаплин ижодидан.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таянч».
20.20 «Дилором наволар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳамшаҳарлар».
21.35 «Даллас». Телесериал.
22.25 «Даракчи».
22.35 «Мисли гавҳар».
22.50 Эълонлар ва оҳанглар.
22.55 «Киноногоҳ».
00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 Жанна Моро, Марчелло Мастрояни «Тун» фильмида (Италия).
11.05 «Байяр қасри калитлари». Телеўйин.
12.35 «Биргаликда куйлаймиз».
13.20 «Умид».
13.40 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
15.10 «Масхарабозлар». Бенни Хилл.
15.25 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
15.45 «Замонавий дизайн».
16.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.
16.35 «Масхарабозлар». Бенни Хилл.
16.50 Болалар учун. «Бинафша».
***
17.10-18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Тасвир-98».
19.05 «Чинсэн».
19.35 «Сирдошим».
19.55 «5 дақиқа ҳангома».
*
Россия жамоат телевидениеси
20.00 «Время».
20.40 «Махфий ҳужжатлар». Сериал.
22.30 «Оқ тўти» клуби.
*
23.15 «Ахборот» (рус тилида).
23.40 Тунги сеанс: Тед Денсон, Жоли Ричардсон «Лох Несс» саргузашт фильмида (АҚШ).
01.15—01.20 Тунингиз осуда бўлсин!

## ЯКШАНБА 1

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Жаҳон театри».
«Умид» намойиш этади:
9.35 «Талабалик йилларим».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
*
11.00 Вилоят хонандалари куйлайди.
11.30 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».
11.45 Кундузги сеанс: «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 2-серия.
12.50 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
13.40—14.10 «Болалигим — пошшолигим».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Экран куйлари».
18.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Илм олами: 2000 йилдан сўнг».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба оқшомида». Мусиқий-дам олиш дастури.
21.50 «ТВ-1» намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури.
22.05 Кино янгиликлари.
22.20 Жаҳон киноси юлдузлари.
22.40 «Оловли йўл». Бадиий фильм. 2-қисм.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

**YOSHLAR TELEKANALI**

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.30 Сиз севган хонанда: З. Суюнова.
9.45 «Бизнес академия».
10.05 «Лаззат».
10.20 «Болливудга нигоҳ».
10.40 «Буни «кино» дейдилар...» Телесериал.
11.05 «Мутойиба».
11.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
11.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.30 Цирк, цирк, цирк.
13.00 «Ёшлар» телеканали ва «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Бухоройи шариф» достони. Биринчи фильм. 2-қисм.
13.35 Интер-футбол.
14.15 Араб эстрадаси.
14.30 «Синбод». Телесериал.
15.15 «Жаҳон жуғрофияси».
16.00 Синема.
17.25 Шабнам.
17.40 «Дунё ҳафта ичида».
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
18.45 «Остонадаги орзулар».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.20 «Нафосат».
19.35, 20.25, 23.15 — Эълонлар.
19.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 «Синфдош».
21.00 «Юлдузлар тахти: октябрь ойи Хит-паради».
21.45 Миллионлар ўйини.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.20 «Келгуси ҳафтада».
22.35 «Кинопрофи».
22.55 Синема. «Аполлон 13» 2-серия.
00.05 Жаноб Бин ҳангомалари.
00.15 Хайрли тун!

**ТВ**

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Кичкина деманг...»
8.25 «Дилором наволар».
8.50 «Дурдона».
9.00 Латифа.
9.15 «Минг бир ҳикмат».
9.20 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.00 «Янгиланиш».
10.10 «Етти иқлим оҳанглари».
10.25 «Бева Бланка». Телесериал.
11.10 «Жавоҳирлар сохили».
11.35 Мухлис-ТВ.
12.00—13.40 «Киноногоҳ».
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Мультжумбоқ». Телевикторина.
18.35 Дилором наволар.
18.45 «Таманно».
19.00 Хориж ҳангомаси.
19.10 Мухлис-ТВ.
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Фаолият».
20.20 Талабларга биноан...
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
22.00 «Даракчи».
22.10 Оҳанглар ва эълонлар.
22.20 «Киноногоҳ».
24.00 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Халқаро» телеканали**

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?».
10.45 «Бу ажиб дунё».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Ёвузлар ва гўзаллар». (1952 йил). Бадиий фильм. (АҚШ).
13.20 «Табиат билан танишув».
13.40—14.00 «Айчурек».
* * *
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 Болалар учун. «Танаффус».
19.05 «Жонли сайёра».
19.25 «Таъзим».
19.45 «Мюзик холл».
*
Россия жамоат телевидениеси.
20.00 «Время».
20.40 Жаҳон киноси. Жан-Поль Бельмондо «Қайсар» фильмида.
22.40 «Босиқ одам». Бадиий фильм.
*
00.10 «Таҳлилнома» (рус тилида).
00.40 Якшанба кинозали: Шон Коннери «Жеймс Бонд» фильмида.
02.30—02.35 Тунингиз осуда бўлсин!

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Тўлқин ЭШБЕК, навбатчи Нурбек ТОШНИЁЗОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи -дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Руйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0397

Босишга топшириш вақти – 21.00.
Топширилди – 00.30
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Газетанинг навбатдаги сони 25 октябрь — якшанба куни чиқади.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳ